

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2020 йил 18 август

Мўйноқ тумани

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Қўнғирот тумани суди, куйидаги суд таркибида:

раислик қилувчи - жиноят ишлари бўйича Қўнғирот тумани суди раиси Д.Разов,

судья ёрдамчиси А.Калековнинг котиблигида,

давлат айбловчиси – Мўйноқ тумани прокурори ёрдамчиси

З.Расбергенов,

жабрланувчилар – ██████████, ██████████ ва ██████████,

судланувчиларнинг ҳимоячиси – «FEMIDA KONIRAT» адвокатлик бюроси адвокати Г.Курбаниязова,

судланувчилар – ██████████ ва ██████████ ларнинг иштирокида,

жиноят ишлари бўйича Мўйноқ туман судининг суд мажлиси залида, жиноят ишлари бўйича Поп туман суди билан видео конференция режимида орқали, очик суд мажлисида дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисми «б,в» бандлари билан айбланган ██████████ ва ██████████ нисбатан тўпланган 1-2304-2002/44 (тергов 352221/2020-3ВХ)-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

██████████ (██████████) - 1999 йил 1 январь куни Мўйноқ туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати қазоқ, маълумоти ўрта-махсус, депутат эмас, бўйдоқ, ногирон эмас, ишсиз, олдин “Мойнақ келешек бунёдкорлари” МЧЖда деҳқон бўлиб ишлаган, муқаддам жинойий жавобгарликка тортилмаган ва судланмаган, Мўйноқ тумани “██████████” ОФЙ “██████████” овулида яшайди, эҳтиёт чораси 2020 йил 13 июнь кунидан бошлаб шахсий кафилликда, айблов хулосаси нусхасини қонунда белгиланган муддатда олган.

██████████ (██████████) - 1994 йил 13 июль куни Мўйноқ туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати қорақалпоқ, маълумоти ўрта-махсус, депутат эмас, оилали (1 нафар фарзанди бор), ногирон эмас, ишсиз, олдин “Мойнақ келешек бунёдкорлари” МЧЖда деҳқон бўлиб ишлаган, муқаддам жинойий жавобгарликка тортилмаган ва судланмаган, Мўйноқ тумани “██████████” ОФЙ “██████████” овулинда яшайди, эҳтиёт чораси 2020 йил 13 июнь кунидан бошлаб шахсий кафилликда, айблов хулосаси нусхасини қонунда белгиланган муддатда олган.

Суд, суд мажлисида судланувчиларнинг, жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг кўрсатмаларини, давлат айбловчисининг фикрини, ҳимоячи адвокатнинг сўзларини, судланувчиларнинг ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, иш материалларини текшириб ва уларга баҳо бериб, куйидагиларни

Ҳужжат имзоланган: Разов Даулетбай Женисбаевич, 29.08.2020



а н и қ л а д и:

Судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] 2020 йил 13 май кунидан 14 май кунига ўтар кечаси саот 03:00ларда, спиртли ичимлик ичган маст ҳолатда жиноий тил бириктириб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, жамоат жойи ҳисобланган Мўйноқ тумани “ [REDACTED] ” ОФЙ “ [REDACTED] ” овули “ [REDACTED] ” асфальт йўлининг 6-7 километри оралиғидаги “Қыпшақдарья” канали бўйида жойлашган ишчиларнинг палаткаси ичига кириб, [REDACTED] палатка ичида ухлаётган “Мойнақ келешек бунёдкорлари” МЧЖ агрономлари Наманган вилояти Чуст тумани “ [REDACTED] ” овулида яшовчи фуқаро [REDACTED] [REDACTED] палатка ичида стол устида турган чойнак ва чой косани ҳеч қандай сабабсиз отиб, унинг юзига тан жароқхат етказган ва унинг ёнида ётган фуқаро [REDACTED] палатка ичида стол устида турган банкани ҳеч қандай сабабсиз отиб, унинг ўнг қўл ёлкасига тан жароқхат етказган, [REDACTED] эса фуқаро [REDACTED] [REDACTED] бошига палатка ичида стол устида турган темир чойнак билан ҳеч қандай сабабсиз бир неча марта уриб, унинг ёнидаги [REDACTED] [REDACTED] палатка ичида стол устида турган банкани ҳеч қандай сабабсиз отиб, унинг унг қўл тирсагига тан жароқхатини етказиб, воқеа жойидан қочиб кетган.

Суд-тиббий экспертизасининг 18.05.2020 йилги 38-сонли хулосасига кўра [REDACTED] соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган “енгил” тан жароқхати, 34-сонли хулосасига кўра [REDACTED] соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган “енгил” тан жароқхати, 22.05.2020 йилги 39-сонли хулосасига кўра [REDACTED] соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган “енгил” тан жароқхати етказилгани кўрсатилган.

Судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми «б,в» бандларида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган.

Судланувчи [REDACTED] судда айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2020 йил 13 май куни саот 21:00ларда кўчада ўртоқлари Ахмет, Ерлан учаласи 2 баклашка пиво ичганларин, кейин Жеткер ҳам кўйишганин ва яна 5 баклашка пиво ичганларин, кейин Ерлан чарчадим деб уйига қайтиб кетганин, бундан сўнг 0,5 бир шийша ароқ олиб Жеткернинг уйининг ошхонасига бориб ичганларин, тунги саот 02:00ларда Жеткер “теплица” тарафдан айланиб келайлик деганин, унга яхши деб унинг уйдан Ахмет, Ниетбай ва ўзи маст ҳолатда айланиб келамиз деб йўлга чиқиб кетганларин, йўлда кетаётганида Жеткер йўқолиб қолганин ва у уйига кетган бўлса керак деб, Ахмет ва Ниетбай учаласи Наманган вилоятидан келиб “Қыпшақдарья” канали бўйидаги палаткада ётган, ўзларига дехқончилик ургатаётган агрономларнинг палаткаси ёнига келиб қолганларин, у ерда ўзи палатканинг



очиладиган жойига қўлини тикиб ёниб турган светни патрони билан бирга тортиб узиб олганин, кейин Ахмет иккаласи палатканинг ичига кирганларин ва ичкари қоронғу бўлганлиги сабабли ўзи телефонининг фонаригини ёққанин, шу пайт Ахмет палатка ичида столда турган темир чойнакни олиб кроватда ётган Джуробой акага отганин, ўзи эса Джуробой ака ўрнидан турмоқчи бўлганда унга чой косани отганин, кейин Ахмет Джуробой акага банка отганин, Карим ака бўлса бир нарса гапираётганида унга ҳам бир банкани отганин, банка эса унинг қўлига текканлигини, кейин палаткадан чиқиб кетиб бораётганларида йўлда Ниетбай ўтирган эканин, у палаткага кирмай қолиб кетган эканин, кейин учалласи уйларига кетиб қолганларин, жабрланувчилар билан ораларида олдиндан келишмовчилик йўқ эканлигини, маст ҳолатда билмасдан шундай қилиб қуйганларин, ўзлари олдиндан уриб қайтамиз деб келишмаганларин, фақат «теплица» томондан айланиб келамиз деб чикқанларин, ўзлари «Мойнақ келешек бунёдкорлари» МЧЖда деҳқончилик ўрганиб ишчи бўлиб ишлаб юрганларида, МЧЖ агрономларининг ўзларига бақириб иш ургатганлари эсларига тушиб кетган бўлса кераклигини, қилган ишидан чин кунгилдан пушаймон эканлигини, маст бўлганлиги сабабли билмаслик қилиб қуйганин, жабрланувчилардан яна бир бор кечирим сўрайдиганин, энди бундай ишларга қўл урмасликларини баён қилиб, енгиллик қўллашни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчи [REDACTED] судда айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2020 йил 13 май куни соат 21:00ларда ўртоқлари Ерлан, Қажымухан, Жеткер ва Ниетбайлар билан биргаликда пиво ичганларин, кейин яна давом эттириб Жеткернинг уйига бориб ароқ ичадиган бўлганларин, Ерлан эса чарчадим деб қайтиб кетганин, кейин тўрталаси Жеткернинг уйига бориб 1 шийша ароқ ичганларин, шундан сўнг соат 02:00ларда Жеткер маст бўлиб «теплица» томондан шамоллаб айланиб келамиз деганин, кейин ҳаммаси бирга асфальт йўл билан теплица томонга юрганларин, йўлда кетаётганларида Жеткер йўқолиб қолганин ва уни уйига қайтиб кетган бўлса керак деб уйлаб, Ахмет ва Ниетбай учаласи «теплица» томон кетганларин, у ерда [REDACTED] канали бўйидаги палаткада ётган Наманган вилояти фуқаролари, яъни «Мойнақ келешек бунёдкорлари» МЧЖда агроном бўлиб ишлайдиганларнинг палаткисига борганларин, шунда Қажымухан палатка ичкарисига қўлини тикиб ёниб турган светни тортиб олиб ўчирганин, кейин Қажымухан иккаласи палатканинг ичига кирганларин, ичкари қоронғу бўлганлиги сабабли Қажымухан телефони фонаригини ёқиб ичкарини кўздан кечирганин, шу пайт ўзи стол устида турган темир чойнакни олиб кроватда ётган бировни урганин, кейин билса у Гуломжонни эканин, Қажымухан эса стол устидаги чой косани либ Джуробойга отганин, ўзи эса Джуробой ўрнидан турмоқчи бўлганида унга банкани отганин, банка эса унинг қўлига текканин, кейин Карим ака бир нарса айтаётганида Қажымухан унга банка отганин, банка эса унинг қўлига текканин, кейин палаткадан чиқиб кетаётганида ташқарида Ниетбай ўтирган эканин, уни олиб учаласи уйларига қайтиб кетканларин, ўша куни маст бўлганлиги сабабли нима учун у ерга борганлари ва воқеа аниқ қандай бўлгани эсида йўқ эканин,



жабрланувчиларни олдиндан танишини, сабаби улар ишлаётган ушбу “Мойнақ келешек бунёдкорлари” МЧЖда ишчи бўлиб ишлаганларин, у ерга бориб нима учун уларни уриб кетганларини билмайдиганин, Жеткернинг уйдан ушбу палатка оралиғи икки ёки уч километр бўлса кераклигини, аслида у томонга бориш фикри Жеткердан чиққанин, у ерга борганларида Ниетбай палаткага кирмасдан ташқарида қолаган эканин, унинг нима учун палаткага кирмаганин билмаслигини, билмасдан маст ҳолатда қилган ишидан чин кунгилдан пушаймон эканлигини, жабрланувчилардан яна бир бор кечирим сўрайдиганин, қилмишининг оқибатларини тушиниб етганин, энди бундай ишларга қўл урмаслигини баён қилиб, енгиллик қўллашни сўраб кўрсатма берди.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, Наманган вилоятидан Муйноқ туманига келиб “Мойнақ келешек бунёдкорлари” МЧЖда агроном бўлиб ишлайдиганин, 2020 йил 13 май куни кечқурун МЧЖда бирга ишлайдиган Гуломжон, Джуробой, Аббос ва Фахриддинлар билан бирга овқатланиб бўлиб, палаткани ичкаридан илиб светни ёкиб ўйқига ётганларин, тунги пайт соат 02:30ларда палатка ташқарисида одамларнинг юрганин сезиб уйғониб кетганин ва шу пайт палатка ичида ёниб турган светни бир йигит тортиб олиб учирганин, дарҳол йигитларга туринглар ташқарида бегона одамлар юрибди деганин, шу пайт бирдан икки йигит яъни судланувчилар Қажымуқан билан Ахмет ишкарига кириб келганин ва Қажымуқан фонарик ёкиб турганин, Ахмет эса стол устидаги темир чойнакни олиб кирган ерда кроватда ётган Гуломжоннинг бошига бир неча бор урганин, Гуломжон эса ўрнидан туролмасдан бақириб ятганин, кейин Қажымуқан стол устидаги чой касани олиб Джуробойга отганин, каса Джуробойнинг бошига тегиб синиб кетганин, Джуробой ўрнидан турмоқчи бўлганида Ахмет унга банкани отганин ва банка Джуробойга тегиб синиб кетганин, кейин Қажымуқан фонаригин ёкиб ҳаммасига қараб туриб сўкиниб “бу ердан одамларингни олиб кет” деганин, унга бу ерга одамларга ёрдам бериш учун келганмиз деганида, у ёрдамингиз керак эмас кетинглар деб банкани отганин, банка ўнг қўл елкасига келиб тегиб синиб кетганин, улардан қўриққанидан бўлди эртага кетамиз деганин ва улар чиқиб кетганин, судланувчилар “Мойнақ келешек бунёдкорлари” МЧЖда олдин ичши бўлиб ишлаганларин, улар билан яхши ишлаганларин, аслида ёмон йигитлар эмаслигин, воқеа бўлган куни уларни танимаганин, ҳаммасига ичгилик сабаб бўлганлигини, судланувчилар палаткага кириб келган пайт ҳеч нарса талаб қилмаганин, улар қорақалпоқ тилида гапиргани боис унча тушунмаганин, ҳозирги пайтда соғлиги яхши эканлигини, судланувчилар кечирим сўраганларин ва уларга кечирим берганин, улардан ҳеч қандай моддий ёки маънавий зарар талаб қилмаслигини, судланувчиларга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён қилиб кўрсатма берди.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, Наманган вилоятидан Муйноқ туманига келиб “Мойнақ келешек бунёдкорлари” МЧЖда агроном бўлиб ишлайдиганин, 2020 йил 13 май куни кечқурун бирга лайдиган ишчилар билан овқатланиб бўлиб ётганларин, тунги соат



03:00ларда Каримжон турунлар деб бақирганидан уйғониб кетганин, қараса свет ўчик бегона икки йигит кириб келган эканин ва бириси кўзига фонарик ёқиб турганин, кейин билса судланувчилар Қажымухан билан Ахмет эканин, шу пайт Қажымухан фонарик ёқиб турганин, Ахмет эса палатка ичида турган темир чайник билан бирдан бошига икки маротаба урганин ва бошин ушлаб бақириб кроватда ётиб қолганин, кейин орқасига яна бир нарса келиб текканин, шу пайт Қажымухан стол устидаги чой касани олиб Джуробойга отганин, Ахмет эса Джуробойга банкани отганин, кейин улар Каримжонга қараб бу ердан кетинлар деб чиқиб кетганин, ушбу воқеада бошидан жароҳат олганин ва шифокорлар бошидаги жароҳатини тикиб даволаганин, судланувчилар кечирим сўраб дори-дармонларига ёрдам берганларин, ҳозирги вақтда соғлиги яхши бўлиб кетганин, судланувчиларга кечирим берганин ва ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён қилиб кўрсатма берди.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, 2020 йил 13 май куни соат 03:00ларда палаткада ухлаб ётганида, бирдан бақир-чақир бўлиб кетганин, икки бола палатка ичкарасига кириб келган эканин, кейин билса судланувчилар Қажымухан билан Ахмет эканин, шу пайт ўрнидан турмоқчи бўлганида Қажымухан фонаринг тутиб “ўрнингдан турма” деб чой касани отганин, чой каса келиб бурнига тегиб синиб кетганин, бурнин ўнг қўли билан ушлаб ўрнидан турмоқчи бўлганида, ўнг қўлига банка келиб текканин, шундан кейин кўрқиб ўрнидан турмасдан ётганин, улар 5-10 дақиқа ичида бақир-чақир қилиб чиқиб кетганин, бундан сўнг судланувчилар кечирим сўраб даъволанишига ёрдам берганин, ҳозирги пайтда соғлиги яхши эканин, судланувчиларга кечирим берганин ва ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён қилиб кўрсатма берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, 2020 йил 13 май куни соат 21:00ларда кўчада Ахмет, Ерлан, Қажымухан ва Жеткерлар билан пиво ичканларин, кейин соат 24:00ларда бўлса керак бир шийша ароқ олиб Жеткернинг уйининг ошхонасига бориб ичканларин, лекин Ерлан Жеткернинг уйига бормасдан чарчадим деб қайтиб кетганин, Жеткернинг уйида ароқ ичиб ўтириб ҳаммаси маст бўлиб қолганларин, кейин Ахмет, Қажымухан ва Жеткерлар билан теплица томонга борамиз деб чиққанларин, кейин қараса Наманган вилоятдан келган одамларнинг палаткаси ёнига борган эканларин, Жеткер бўлса йўлда қолиб кетган эканин, ўзи қаттиқ маст бўлгани сабабли воқеани аниқ билмайдиганин, палаткага 10-15 метр қолган жойда боши айланиб қайд қилиб қолиб кетганин, орадан бир қанча вақт ўтиб Қажымухан билан Ахмет палатка томондан келиб кетдик деб олиб кетганин, кейин йўлда Ахмет билан Қажымухан палаткадагиларни урганларин айтиб берганларин, бўлган воқеани кўрмаганин ва бақир-чақирни эшитмаганин, ичиб ўтирган пайтда палаткадагиларни ўрамиз деган гап бўлмаганин, нима учун у ерга борганларин билмаслигин баён қилиб кўрсатма берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, 2020 йил 13 май куни 21:30ларда Қажымухан, Ахмет, Ниетбай ва Ерланлар билан 5 баклашка 2,3 литрлик пиво ичканларини, кейин Ерлан чарчадим деб уйига қайтиб кетганин, Қажымухан, Ахмет ва Ниетбайлар билан ўзининг уйига келиб бир



шийша ароқ ичканларин, кейин соат 02:00ларда шамоллаш мақсадида ташқарига чиққанларин ва мастлик ҳолатларин тарқатиб келамиз деб озгина йўрганларин, қаттиқ маст бўлганлиги сабабли йўлда кўнгли айниб қайд қилиб ўтириб қолганин, кейин ўзига келиб қараса Ахмет, Қажымухан ва Ниетбайлар йўқ эканин, кейин ўзи ҳам уйига қайтиб кетганин баён қилиб кўрсатма берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, 2020 йил 13 май куни кечкурун Қажымухан, Ахмет, Ниетбай ва Жеткерларбилан пиво ичганликларини, кейин улар Жеткернинг уйига ароқ ичамиз деб кетганликларини ўзи эса чарчадим деб қайтиб кетганин, пиво ичиб ўтирганларида палаткага борамиз деган гап бўлмаганин баён қилиб кўрсатма берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, 2020 йил 13 май куни кечаси соат 03:00ларда палаткада ухлаб ётганларида, бир пайт бирдан бақир-чақир бўлиб кетганин, қараса икки бола палатка ичкарасига кириб келган эканин, кейин билса улар Қажымухан билан Ахмет эканин, Қажымухан фонарик ёқиб турганин, Ахмет эса темир чойнак билан Гуломжон аканинг бошига 2-3 маротаба урганин, Қажымухан эса чой касани Джуробой акага отганин, Джуробой ака ўрнидан турмоқчи бўлганида Ахмет унга банкани отганин, кейин улар “бу ердан кетинглар” деб чиқиб кетганин, ушбу воқеада ўзи ҳеч қандай жароҳат олмаганин баён қилиб кўрсатма берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, мазмун ва моҳияти жиҳатдан гувоҳ [REDACTED] кўрсатмасига ухшаш кўрсатма берди.

Шунингдек судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] айблари ўзларининг суд мажлисидаги кўрсатмаларидан ташқари, иш бўйича тўпланган бошқада далиллар мажмуи билан, яъни:

- ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, схемаси ва фото жадваллари билан;

- суд-тиббий экспертизасининг 18.05.2020 йилги 38-сонли хулосасига кўра [REDACTED] соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган “енгил” тан жароҳати, 34-сонли хулосасига кўра [REDACTED] соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган “енгил” тан жароҳати, 22.05.2020 йилги 39-сонли хулосасига кўра [REDACTED] соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган “енгил” тан жароҳатлари етказилгани кўрсатилган хулосалари билан;

- судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] кўрсатувларин воқеа жойида текширув баённомаси ва унга илова қилинган фото жадваллари билан;

Судланувчиларнинг, жабрланувчиларнинг ва гувоҳларнинг дастлабки суриштирув давридаги тушинтириш хатлари тўла исботланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 9-сонли қарорининг 1-бандида “безорилик жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳақоратлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки



Ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилади.” деб кўсатилган, шунингдек ушбу 4-бандида «Қилмишни Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан квалификация қилиш учун безорилик замирида совуқ қурол ёки шахснинг соғлигига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсаларни намоиш қилиш (кўрсатиш)нинг ўзи етарлидир. Бунда уларни қўллашга нисбатан таҳдид бўлган-бўлмаганлигининг аҳамияти йўқ, бироқ бу ҳолат суд томонидан жазо тайинлаш пайтида ҳисобга олиниши керак.» деб, ушбу банднинг 4-хатбошида эса «Шахснинг соғлигига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсалар туркумига айбдор томонидан ўша мақсадларда безорилик ҳаракатлари давомида фойдаланилган ҳар қандай нарсалар киради.» деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчилар [] ва [] жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси 277-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклигига қаратилиши, ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга энгилроқ чора қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, етказилган зарар миқдори ва хусусияти, шахси, унинг жавобгарлигини энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ва булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозимлиги бўйича тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Пленум Қарорлари талабларига амал қилиб, судланувчи [] жазо тайинлашда унинг ўз айбига тўла иқроп бўлиб,



қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини, жабрланувчилардан кечирим сўраб келтирилган зарарларини қоплаганлигини ва жабрланувчиларнинг кечирим берганлигини, бўйдоқ эканлигини, муқаддам жиноий жавобгарликга тортилмаган ва судланмаганин жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлари деб, унинг спиртли ичимлик истеъмол қилган мастлик ҳолатида жиноят содир қилганин жазосини оғирлаштирадиган ҳолатлари деб топиб, унинг жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жабрланувчилардан кечирим сўраб келтирилган зарарларни қоплаб берганликларини ва уларнинг кечирим берганларин, шунингдек унинг жарима тўлаш ва ишга жойлашиш имкониятининг йўқлигини эътиборга олиб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни,

судланувчи [REDACTED] жазо тайинлашда унинг ўз айбига тўла иқроп бўлиб, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини, жабрланувчилардан кечирим сўраб келтирилган зарарларини қоплаганлигини ва жабрланувчиларнинг кечирим берганлигини, оиласида вояга етмаган бир нафар фарзанди бор эканлигини, муқаддам жиноий жавобгарликга тортилмаган ва судланмаганин жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлари деб, унинг спиртли ичимлик истеъмол қилган мастлик ҳолатида жиноят содир этганин жазосини оғирлаштирадиган ҳолатлари деб топиб, унинг жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жабрланувчилардан кечирим сўраб келтирилган зарарларни қоплаб берганликларини ва уларнинг кечирим бериб ҳеч қандай даъволарининг йўқлигини билдирганларин, шунингдек унинг жарима тўлаш ва ишга жойлашиш имкониятининг йўқлигини эътиборга олиб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, шахсий кафиликдаги эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Шунингдек, ашёвий далил деб топилиб Муйноқ тумани ИИБда вақтинча сақлашда турган 1 дона чойнак тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и:

Судланувчи [REDACTED] ([REDACTED]) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми «б,в» бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «б,в» бандлари билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи [REDACTED] куйидаги чекловлар, яъни:

- яшаш жойи бўлган Муйноқ тумани «[REDACTED]» ОФЙ «[REDACTED]» овулидаги уйдан куннинг соат 22:00дан 06:00га қадар чиқиб кетмаслик;
- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойин ва иш жойини артирмаслик;



- назорат қилувчи органнинг розилигисиз Муйноқ тумани худудидан чиқиб кетмаслик;

- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

- спиртли ичимлик ишмаслик чекловлари ўрнатилсин.

Озодликдан чеклаш жазосин Муйноқ тумани ИИО пробация гуруҳи назорати остида ўтасин.

Шахсий кафиликдаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган кундан этиборан бекор қилинсин.

Судланувчи

() Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми «б,в» бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

Судланувчи ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «б,в» бандлари билан ЖКнинг 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи куйидаги чекловлар, яъни:

- яшаш жойи бўлган Муйноқ тумани “ ” ОФЙ “ ” овулидаги уйдан куннинг соат 22:00дан 06:00га қадар чиқиб кетмаслик;

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойин ва иш жойини ўзгартирмаслик;

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз Муйноқ тумани худудидан чиқиб кетмаслик;

- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

- спиртли ичимлик ишмаслик чекловлари ўрнатилсин.

Озодликдан чеклаш жазосин Муйноқ тумани ИИО пробация гуруҳи назорати остида ўтасин.

Шахсий кафиликдаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган кундан этиборан бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб топилиб Муйноқ тумани ИИБда вақтинча сақлашда турган 1 дона чойнак тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 10 сутка ичида, судланувчилар ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, шу муддат ичида Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судига апелляция тартибида, бу муддат ўтганидан сўнг кассация тартибида шикоят келтиришга, прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик этувчи

Д.Разов

